



Научно-практический электронный журнал

МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА

ISSN 2658-7998



9 772658 799001 >

**Выпуск №68 (том 2)
(январь, 2025)**



Международный научно-практический
электронный журнал «МОЯ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: mpcareer.ru

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

**Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №68 (том 2) (январь, 2025).
Дата выхода в свет: 31.01.2025.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Пестерев С.В. – гл. редактор, отв. за выпуск

Батурин Сергей Петрович	кандидат исторических наук, доцент
Боброва Людмила Владимировна	кандидат технических наук, доцент
Богданова Татьяна Владимировна	кандидат филологических наук, доцент
Данилова Анна Александровна	кандидат исторических наук, доцент
Демьянова Людмила Михайловна	кандидат медицинских наук, доцент
Дуянова Ольга Петровна	кандидат медицинских наук, доцент
Еремеева Людмила Эмировна	кандидат технических наук, доцент
Засядько Константин Иванович	доктор медицинских наук, профессор
Колесников Олег Михайлович	кандидат физико-математических наук, доцент
Копеин Валерий Валентинович	доктор экономических наук, профессор
Коробейникова Екатерина Викторовна	кандидат экономических наук, доцент
Кудряшова Ирина Анатольевна	доктор экономических наук, профессор
Ланцева Татьяна Георгиевна	кандидат экономических наук, доцент
Нобель Артем Робертович	кандидат юридических наук, доцент
Ноздрина Наталья Александровна	кандидат педагогических наук, доцент
Павлов Евгений Владимирович	кандидат исторических наук, доцент
Петрова Юлия Валентиновна	кандидат биологических наук, доцент
Попов Сергей Викторович	доктор юридических наук, профессор
Сидунова Галина Ивановна	доктор экономических наук, профессор
Табашникова Ольга Львовна	кандидат экономических наук, доцент
Таспанова Жыгагул Кенжебаевна	доктор философии по педагогическим наукам
Тюрин Александр Николаевич	кандидат географических наук, доцент
Усубалиева Айнура Абдыжапаровна	кандидат социологических наук, доцент
Фаттахова Ольга Михайловна	кандидат технических наук, доцент
Филимонова Елена Анатольевна	кандидат экономических наук, доцент
Филимонюк Людмила Андреевна	доктор педагогических наук, профессор
Фролова Тамара Валериевна	кандидат экономических наук, доцент
Холин Александр Николаевич	кандидат технических наук, доцент
Юрин Владимир Михайлович	кандидат юридических наук, доцент



СОДЕРЖАНИЕ

Название научной статьи, ФИО авторов	Номер страницы
ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НАУКИ	
LET'S PROTECT OUR GREEN WORLD Mehdiyeva M.B.	7
WORK ON THE TEXT IN CLASSES I-IV Mehdiyeva M.B.	12
КРИМИНОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА НАРКОПРЕСТУПНОСТИ И ЕЕ ТЕНДЕНЦИИ Дерягина А.А.	17
ОСНОВНЫЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ЭТИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ ПСИХОДИАГНОСТИКИ И ПРОБЛЕМЫ ПРИ ИХ СОБЛЮДЕНИИ Караванов А.А., Филоненко Л.В., Рожков А.В.	26
КОЛЛИЗИОННО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ПРАВООТНОШЕНИЙ МЕЖДУ СУПРУГАМИ, МЕЖДУ РОДИТЕЛЯМИ И ДЕТЬМИ Дерягина А.А., Дмитриева В.С.	36
АНАЛИЗ РАЗВИТИЯ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НОРМАТИВНЫХ ДОКУМЕНТОВ В РФ ПО ОТДЕЛЬНЫМ ОТРАСЛЯМ Петрова В.А., Майлыбаева С.В., Тарасова О.Г.	46
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЗЕМЕЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ИЗЪЯТИЯ ЗЕМЕЛЬНЫХ УЧАСТКОВ ДЛЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ И МУНИЦИПАЛЬНЫХ НУЖД Гладких У.А.	53
МАТЕМАТИКАДАН OLIMPIADA MASALALARINI YECHISHDA МАТЕМАТИК АНАЛИЗ МЕТОДЛАРИДАН FOYDALANISH X.R.Umarov, D.D.Abduraximova	62
НАТУРАЛ СОНЛАР ҚАТОРИ ДАРАЖАЛАРИ ЙИГИНДИСИНИ ТОПИШНИНГ БИР УСУЛИ Умаров Х.Р., Аскарбекова Д.Ж.	74
YIG'INDI VA KO'RAYTMALARNI HISOBLASHDA KOMPLEKS ANALIZ METODLARIDAN FOYDALANISH Umarov X.R., Erkinov Sh.B.	84
BAZALT MAHSULOTLARI ISHLAB CHIQRISHDA SIFAT MENEJMENT TIZIMLARINI JORIY ETISHNI MUHIMLIGI Mamajonov A.A., Maxmudov A.O.	104
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЗЕМЕЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬ НАЦИОНАЛЬНЫХ ПАРКОВ Коротаева С.К.	118
АНАЛИЗ СООТВЕТСТВИЯ ОБОЗНАЧЕНИЯ ТЕХНИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ ТРЕБОВАНИЯМ НОРМАТИВНЫХ ДОКУМЕНТОВ Петрова В.А., Майлыбаева С.В., Тарасова О.Г.	127
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЗЕМЕЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ОГРАНИЧЕНИЯ ОБОРОТОСПОСОБНОСТИ ЗЕМЕЛЬНЫХ УЧАСТКОВ Смирнова К.В.	137



ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ В СОВРЕМЕННОМ НАУЧНОМ МЫШЛЕНИИ

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ Oltaev Sh.S.	256
СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ИМКОНИАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ Oltaev Sh.S.	264
ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ Oltaev Sh.S.	270
МАМЛАКАТИМИЗДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Oltaev Sh.S.	279
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Oltaev Sh.S.	287
РОЛЬ ТНК В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ РАЗВИВАЮЩИХСЯ СТРАН Неъматуллаева С.	293
ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СТРАН В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ РИСКОВ Абдурашидова Х.Б.	303
КАДРОВАЯ ПОТРЕБНОСТЬ НОВОСИБИРСКОЙ ОБЛАСТИ В СПЕЦИАЛИСТАХ РАБОЧИХ ПРОФЕССИЙ АГРАРНОГО СЕКТОРА Нарежнев А.Е.	312
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Oltaev Sh.S.	315
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ ТАҲЛИЛИ Oltaev Sh.S.	324
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДАГИ ЎРНИ Oltaev Sh.S.	330
ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ Oltaev Sh.S.	339
ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИК ВА УНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Oltaev Sh.S.	345
РОЛЬ ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК В 21 ВЕКЕ	
СОЗДАНИЕ ОНЛАЙН КУРСА «ОЛИМПИАДНАЯ МАТЕМАТИКА» ДЛЯ ОБУЧАЮЩИХСЯ 6 – 7 КЛАССОВ НА ПЛАТФОРМЕ СТЕРІК Фалеева А.Е.	351



ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ В СОВРЕМЕННОМ НАУЧНОМ МЫШЛЕНИИ

УДК 33

Oltaev Sh.S.

SamISI associate professor, Ph.D.

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада инновацион иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада мамлакат иқтисодиётида муҳим ўринни эгаллаган хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни, ўзига хос хусусиятлари, соҳадаги муаммоларнинг ўрганилганлик ҳолати, шу билан бирга соҳада эришилган натижалар ва унинг ривожланиш тенденциялари ёритилиб, хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш бўйича асосли тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: инновацион иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш соҳаси, хизмат турлари, таълим хизматлари, соғлиқни сақлаш хизматлари, маиший хизмат кўрсатиш, алоқа хизматлари, ривожланиш.

Бизга маълумки бугунги кунда замонавий жамият ҳаётида хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда у ёки бу даражада хизмат кўрсатмайдиган корхона ва ташкилотлар деярли йўқ. Ҳар биримиз ҳар куни ушбу соҳага дуч келамиз: уяли телефонлар, интернет, савдо ва кўнгилочар марказлар, умумий овқатланиш шохобчалари, гўзаллик салонлари, маслаҳат, тиббиёт ва таълим муассасалари, турли хил транспорт турлари билан саёҳат ва юкларни ташиш хизматларидан фойдаланамиз. Хизмат кўрсатишнинг бу хилма-хиллиги унинг кенг мазмунга эга эканлигини ифодалайди.



Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналар, ташкилотлар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хил хизмат турларини кўпайтиришни ўз ичига олган умумлаштирувчи категориядир. Бошқача қилиб айтганда, бу мамлакат иқтисодиётининг тижорат, профессионал ва истеъмол хизматларини кўрсатишга ихтисослашган тармоқларидан биридир. Республикамизда ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Хусусан, 2022 йил якунларига кўра, Ўзбекистонда хизматлар соҳаси ЯИМнинг 41,5 фоизини ташкил этди ва 2017-2022 йилларда соҳанинг реал ўсиш кўрсаткичи 1,9 маротаба ошди. Шунингдек, «Электрон ҳукумат» тизими такомиллаштирилди ва умумий электрон давлат хизматлари сони 368 тага етди яъни ўтган йилларга нисбатан 2 баробарга ошган, бизнесни рўйхатга олиш осонлаштирилган ва натижада хизматлар соҳасидаги кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2,2 баробар кўпайиб 325 мингга етказилган, АКТ инфратузилмаси қарийб 6 баробар ва логистика тизими 1,2 баробар яхшилانган. Ташилган юклар 2017 йилдаги 1146,2 млн тоннадан 2022 йилда 1398,9 млн тоннага етказилган.

Хизмат кўрсатиш соҳаси, унинг кўлами, тузилиши ва ривожланиш даражаси мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини баҳолашда алоҳида ўрин тутди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси саноат ва қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмидан биридир. Соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғига қараб, давлат иқтисодиётининг илғорлик даражасини баҳолаш мумкин. Постиндустриал трансформация хизмат кўрсатиш соҳасини дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида ва бир қатор ривожланаётган мамлакатларда бандлик ва ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича етакчига айлантди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши иқтисодий ўсиш, аҳоли (айниқса ёшлар) бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси аҳолининг ҳудудий ва ижтимоий ҳаракатчанлигини, янги иқтисодий ҳудудларни ривожлантиришни,



моддий товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш самарадорлигини оширишни таъминлайди.

Замонавий цивилизация ривожланишининг ўзига хос хусусияти хизмат кўрсатиш соҳасини иқтисодийнинг доминант секторига айлантиришдир. Жаҳон банки маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда секторнинг ривожланган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотигаги улуши 74 фоизни, иш билан банд бўлганларнинг умумий сони 70-75 фоизни ва корхоналарнинг умумий сони 90-95 фоизни ташкил этади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси аҳолининг юқори ҳаёт сифатини таъминлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини тезлаштиришда ҳал қилувчи омил бўлди. Демографик омилларнинг меҳнат бозорига таъсири жуда юқори бўлган Ўзбекистон учун хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий аҳамияти кескин ошиб бормоқда.

Замонавий дунёда рақобат ва истеъмолчилар талабларининг жадал ривожланиши муносабати билан турли хил хизматлар пайдо бўлмоқда. Илмий-техник ва технологик тараққиётни жадал модернизация қилиш туфайли сервис фаолиятининг янги йўналишлари яратилди. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар ва ташкилотлар ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг интеграцияси туфайли бизнесни юритишнинг сифат жиҳатидан бошқа даражасига ўтишга муваффақ бўлишди.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражасини, аҳолининг турли хил хизматлар билан таъминланиш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилган таҳлил натижалари Республикада уни ривожлантириш учун фойдаланилмаган қуйидаги имкониятлар мавжудлигини кўрсатди:

биринчидан, товар ишлаб чиқаришда ялпи қўшимча қиймат ҳозирда 42%, хизмат кўрсатиш соҳасида эса 63% ни ташкил қилади. Бундан келиб чиқадикки, хизмат кўрсатиш соҳасида товарлар ва хизматларнинг ялпи ишлаб чиқаришининг бир хил ҳажми билан қўшилган қийматдан 1,5 баравар кўп яратилади. Шу сабабли, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал суръатлар билан



ривожлантириш ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлашга ёрдам беради;

иккинчидан, аҳолининг пул даромадларини кўпайтириш нуқтаи назаридан хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳам зарур. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатда аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми паст. Агар ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 30-45 минг АҚШ долларини ташкил этса, республикамизда 700 доллардан сал кўпроқ. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми айниқса паст;

учинчидан, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотдаги хизматлар улуши (41.5 фоиз) ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларидан (75-80 фоиз) анча паст. Ҳозирги замон илмий қарашларига кўра мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотига хизматларнинг улуши устунлик қилиши керак. Ушбу кўрсаткични ривожланган мамлакатларнинг ўртача кўрсаткичига етказиш учун унинг ўсиш суръатларини кескин ошириш керак;

тўртинчидан, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасининг сустривожланиши. Республика аҳолисининг қарийб ярми (49,3 фоизи) қишлоқ жойларда истиқомат қилишини ҳисобга олсак, бу кўрсаткич жуда паст эканлиги аниқ. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитлари ўртасидаги мавжуд тафовутларни бартараф этиш вазифаси қўйилган ва бу вазифани бажариш шаҳар билан таққослаганда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришни тақозо этади;

бешинчидан, мамлакатда аҳолининг истеъмол харажатлари таркибидаги хизматлар улуши жуда паст;

олттинчидан, ушбу сектор тармоқларида ўртача ойлик иш ҳақи хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг ўртача иш ҳақи 4500-4600 долларни ташкил этадиган ривожланган мамлакатларга қараганда анча паст, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 220 долларни ташкил этади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг аҳоли даромадларини ошириш ва унинг ҳаёт сифатини оширишга катта таъсири ушбу соҳани



ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш, уларнинг жадал ривожланиши асосида соҳанинг тармоқ таркибини ислоҳ қилиш ва соҳанинг бир қисми бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини такомиллаштиришни зарур қилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг тармоқ таркибини такомиллаштириш борасида унинг энг истиқболли сегментларини устувор ривожлантириш зарурлигини таъкидлаш керак, шу жумладан транспорт, туризм, таълим хизматлари, соғлиқни сақлаш хизматлари, шунингдек компьютер ва ахборот коммуникациялари (АКТ) соҳасидаги хизматларни кўрсатиш мумкин.

Аҳолининг бандлиги ва даромадларини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболларини аниқлаш ва шу сабабли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун Республиканинг Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (ПМТИ) экспертлари томонидан ушбу соҳада яратилган хизматлар ҳажмининг истиқболли кўрсаткичлари прогнози экстрополяция усули билан амалга оширилиши натижасида 2021-2026 йилларда кўрсатиладиган хизматлар ҳажмининг 291614 миллион сўмга етказилиши кутилмоқда. Ушбу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 263334 миллион сўмга ёки 10,3 баробар юқоридир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳолининг ўртача иш ҳақи ҳам ошиб, 2026 йилда 3506 минг сўмни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 3096 минг сўмга кўп ёки 8,6 баравар юқори.

Хулоса қилиб айтганда ҳозирги босқичда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида қаралмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш давом этади. Бизнинг фикримизча, уни янада ривожлантириш жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш муҳимдир:

биринчидан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш пуллик хизматларни ривожлантириш асосида амалга оширилиши керак;



иккинчидан, мамлакат ҳудудларида, шу жумладан қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш даражасини тенглаштириш;

учинчидан, туризм, таълим хизматлари, компьютер ва ахборот коммуникациялари, аудит, маркетинг, молия, консалтинг ва ахборот хизматлари соҳасидаги хизматларни жадал ривожлантириш;

тўртинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;

бешинчидан, хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг илғор шаклларини жорий этиш;

олтинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасини рақамлаштиришни кенгайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Пардаев М.Қ., Аминов З.Ю. Хизмат кўрсатувчи корхоналар иқтисодий хавфсизлиги: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. - Самарқанд: «Зарафшон», 2020.-220 бет.

2. Туйчиева О.Н. (2022). Ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш саноат корхоналари самарадорлигини ошириш омили. Назарий ва амалий тадқиқотлар халқаро журнали, 2(4), 83-92.4

3. Oltayev Sh.S. (2021). Wide Opportunities for Innovative Development of Small Business And Private Entrepreneurship in our Country. Academic Journal of Digital Economics and Stability Volume 10, ISSN 2697-2212 Online: <https://academicjournal.io> 7-13.

<https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/334>

4. Oltayev Sh.S. (2021). Challenges and solutions in constructing a community section and investing in family entrepreneurs (On the example of Navobod NCM of Samarkand district) American Journal of Research www.journalofresearch.us 9-10, September-October 2021 info@journalofresearch.us USA, Michigan 34. 34-37

б. <https://zenodo.org/record/5514016#.YbzC3mhBzIU>



5. Oltayev Sh.S. (2021). Innovative Education Is An Important Factor To Increase The Efficiency Of Economic Education The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research (ISSN–2642-7478) Published: November 13, Pages: 9-13 Doi: <https://doi.org/10.37547/tajjir/Volume03Issue11-02>
6. Oltayev Sh.S. (2022). Improving Ways of Attracting Foreign Investments to the National Economy and Using Them. International Journal Miasto Przyszłości, 92–95. <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/503> Vol. 27. Kielce Retrieved from
7. Oltayev Sh.S. (2022). Issues of attracting foreign investments to the regions of Uzbekistan: problems and solutions. International journal of social science & interdisciplinary research Issn: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 11(08), <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/923> 96–100. Retrieved from
8. Oltayev Sh.S. (2024). Innovative ways to eliminate the migration problem in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 123-130. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10880419>
9. Oltayev Sh.S. (2024). Innovative ways to diversify and improve the quality of tourist services in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 109-118. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10880030>
10. Oltayev Sh.S. (2024). Issues of attracting foreign investments to the special economic zones of the country. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 31–36. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899983>
11. Oltayev Sh.S. (2024). Purposeful formation of the high quality of providing economic growth in the country. Web of Teachers: Inderscience Research, 2(3), 273–280. Retrieved from <https://webofjournals.com/index.php/1/article/view/1047>
12. Oltayev Sh.S. (2024). The need to form the state investment strategy. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 25–30. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899979>



13. Oltayev Sh.S. (2024). The role of the economic sector in society. Eurasian Scientific Herald, 30, 55–58. Retrieved from <https://geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/5815>

© Oltayev Sh.S., 2025